


ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИННИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“МОЛИЯ ВА МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР”
ЙЎНАЛИШИ**

**“ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Модулнинг ўқув услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: Х.Х.Имомов - ТДИУ, “Молия” кафедраси
доценти, и.ф.н.

Такризчи: Х.А.Курбонов - ТДИУ “Молия” кафедраси доценти, и.ф.н.

Модулнинг ишчи дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	14
III.	МАЪРУЗА МАТНИ.....	29
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР.....	33
V.	БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....	70
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	72
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	75
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	80

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва

амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Давлат қарзларини бошқариш” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларида давлат қарзларини бошқариш ва унинг концептуал асосларини, давлат қарзларини бошқаришга оид хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларини, замонавий шароитларда давлат қарзларини бошқаришга оид ислоҳотларнинг устувор йўналишлари **бўйича** кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Давлат қарзларини бошқариш” модулининг вазифалари:

- давлат қарзларини бошқаришнинг ижтимоий-иктисодий мазмуни, хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг давлат қарзларини бошқаришга оид илмий қарашлари ҳақидаги илмий билимлар базасини аниқлаштириш;
- замонавий шароиларда фискал сиёsat ва унинг концептуал асослари бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларини ривожлантириш;
- замонавий шароитларда жаҳон мамлакатлари давлат қарзларини бошқаришдаги мавжуд долзарб муаммолар, давлат ички қарзлари, давлат ташқи қарзлари ва давлат қарзларини бошқариш тизимига оид тингловчиларнинг лаёқатларини ривожлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Давлат қарзларини бошқариш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- давлат қарзларини бошқаришнинг ижтимоий-иктисодий мазмуни, у ҳақидаги классик ва замонавий илмий қарашларни инг концептуал асослари;

- замонавий шароитларда Ўзбекистон Республикаси давлат қарзларини бошқариш тизимидағи ислоҳотларни инг концептуал асослари, давлатни инг ички ва ташқи қарзларини бошқариш тизимидағи ислоҳотларни инг иктиносий ўсишни таъминлашга самарали таъсири, амалдаги иктиносий ислоҳотлардаги роли;

- инқирознинг навбатдаги тўлқини шароитида давлат қарзларини бошқариш тизимидағи долзарб муаммолар ва ислоҳотларни инг устувор йўналишлари бўйича **билимларига эга бўлиши лозим**.

Тингловчи:

- давлат қарзларини бошқаришнинг ўрни ва аҳамиятини иктиносий жиҳатдан баҳолай олиш;

- давлат бюджети даромад ва харажатлари параметрларининг горизонтал ва вертикал таҳлил қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган давлат қарзларини бошқаришнинг стратегик мақсадлари тўғрисида хулосалар тизимини шакллантириш;

- давлат қарзларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш натижасида иктиносидиётдаги ҳолатни ва давлат бюджет ижроси (професит/дефицит)ни тўғри баҳолаш;

- ривожланган мамлакатлар давлат қарзларини бошқариш тизимидағи долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича ислоҳотларни инг устувор йўналишларига оид хулосаларни шакллантириш **кўнимларини эгаллаши зарур**.

Тингловчи:

- давлат қарзларини бошқаришнинг функционал элементлари асосида комплекс таҳлилини амалга ошириш;

- замонавий шароитларда давлат қарзларини бошқариш ва уни иктиносий ўсишга самарали таъсирини миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиш ва хулосаларни шакллантириш;

- ривожланган мамлакатлар давлат қарзларини бошқариш тизимида кузатилаётган долзарб муаммолар, уларга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш;

- мамлакатимизда давлат қарзларини бошқариш тизимидағи яқин ва истиқболга мўлжалланган ислоҳотлар стратегиясини таҳлил қилиш ва ўзига хос равишдаги тараққиёт сенарийисини ишлаб чиқишига оид **малакаларни эгаллаши лозим**;

Тингловчи:

- молия тизими давлат қарзларини бошқариш сиёсатнинг концептуал асослари бўйича илмий ва амалий маълумотлар банкини шакллантириш ва уларни тизимлаштириш;
- молия тизими, давлат қарзларини бошқаришга оид замонавий илмий қарашлар, Ўзбекистонда давлат қарзларини бошқаришдаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларига оид янги илмий ва амалий маълумотларни тизимлаштириш;
- давлат қарзларини бошқаришга оид замонавий билимларга асосланган ҳолда мутахассислик гурухларида маъруза ва амалий машғулот олиб бориш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Давлат қарзларини бошқариш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;
- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гурухларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Давлат қарзларини бошқариш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Давлат молияси”, “Корпоратив молия”, “Замонавий молия тизими” ўқув модуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар молия тизими, давлат молияси, молиявий сиёсатнинг концептуал асослари бўйича илмий ва амалий маълумотлар банкини шакллантириш ва уларни тизимлаштириш бўйича компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўкув юкламаси, соат			
		Аудитория ўкув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий машғулот	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1	Давлат қарзларининг мазмун-моҳияти ва юзага келиш сабаблари	4	2	2	
2	Бюджет тақчиллиги уни молиялаштириш манбалари	6	2	2	2
3	Ўзбекистонда давлат ички ва ташқи қарзларининг вужудга келиш омиллари, қоплаш манбалари ва уларни бошқариш	6		4	2
4	Давлат бюджети тақчиллиги ва уни қарзли молиялаштириш сиёсати	2		2	
5	Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш.	2		2	
	Жами:	20	4	12	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАЗМУНИ

1-мавзу. Давлат қарзларини бошқаришнинг мазмуни ва иқтисодий аҳамияти.

Давлат қарзларини бошқаришнинг мазмуни ва иқтисодий аҳамияти. Давлат қарзларини бошқариш фанининг вазифалари ва бошқа маҳсус фанлар билан боғлиқлиги. Давлат қарзи назарияси, Классикларнинг қарз тўғрисида назариялари, Кейнс ва “Янгиортодоксия”, Рикардоҳа эквивалентлик, “Соғлом молия” ва “функционал молия”. Иқтисодиёт трансформациялашуви шароитида давлат қарзларининг моҳияти, хусусиятлари. Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини соғломлаштириш борасида давлат қарзларини бошқариш стратегиясининг мақсадлари ва тактик вазифалари.

Макроиқтисодий барқарорлик ва уни таъминлашда давлат қарзларининг вазифалари. Давлат қарзларини бошқаришда давлатнинг иқтисодий вазифаси.

2-мавзу: Бюджет тақчиллиги уни молиялаштириш мабалари.

Бюджет тақчиллигини юзага келиш сабаблари. Бюджет тақчиллиги ва инқироз, уларнинг боғлиқлиги. Бюджет тақчиллигини пулли молиялаштириш. Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг бошқа манбалари. Давлат молиясининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Давлат молиясининг бўғинлари: давлат Бюджети, Бюджетдан ташқари фондлар, давлат корхоналар молияси, давлат кредити. Молиянинг тақсимлаш функцияси орқали ҳосил қилинадиган пул фондлари ва унда марказлаштирилган пул фондларининг ҳиссаси. Давлатнинг молиявий ресурслар фонди ва уни шаклланиш манбалари. Давлат пул фондларини шакллантириш усувлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Ўзбекистонда давлат ички ва ташқи қарзларининг вужудга келиш омиллари, қоплаш манбалари ва уларни бошқариш

Давлат ички қарзларининг моҳияти, таркиби ва омиллари. Давлат ички қарзларини бошқариш юзасидан фаолиятнинг асосий йўналишлари. Давлатнинг молия сиёсатида ички қарзларни бошқариш тадбирларининг аҳамияти ва вазифалари. Давлат қарзларини камайтириш муаммолари ва ечимлари. Давлат ташқи қарзларининг моҳияти, омиллари ва шакллари. Давлат ташқи қарзларини молиялаштириш манбалари ва уларни мукаммаллаштириш. Давлат ташқи қарзларини самарали бошқариш. Давлат ташқи қарзларини қоплаш манбаларига умумий тавсиф. Давлат Бюджети тақчиллигини қоплашнинг инфляцион ва ноинфляцион манбаларининг таркиби. Давлат Бюджети даромадларини прогноз қилишнинг хусусиятлари.

2-амалий машғулот:

Давлат бюджети тақчиллиги ва уни қарзли молиялаштириш сиёсати.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш масалалари. Давлат бюджет тақчиллигини бошқариш масалалари. Бюджет жараёни ва унинг босқчилари. Давлат ички ва ташқи қарзларини бошқариш тизимида бюджет тақчиллигини бошқаришнинг аҳамияти ва вазифалари. Давлат бюджети тақчиллигининг шакллари ва турлари. Давлат бюджети тақчиллигини самарали бошқариш давлат тадбирлари. Давлат харажатларини қарз олиш

йўли билан молиялаштириш сабаблари. Қайта молиялаштириш, Қарз ва давлат молияси барқарорлиги, Бозор ва нобозор қарзлари, Ички ва ташқи қарз, Ялпи ва соф қарз.

З-амалий машғулот: Давлат молияси тизимида давлат кредити ва давлат қарзларини шакллантириш ва бошқариш.

Давлат кредитининг мазмуни ва объектив зарурлиги. Давлат кредитининг турлари ва таснифланиши. Давлатнинг облигацион заёmlари: турлари, эмиссия тартиби ва уларни жойлаштириш. Давлат қарзлари ва уларни бошқариш усуллари. Пандимия шароитда давлат қарзларини бошқаришдаги муаммолар. Халқаро кредитдан фойдаланиш имкониятлари. Давлат бюджетининг иқтисодий сиёsat воситаси сифатида.

Давлат қарзларини бошқаришда қарз стратегияси, бюджет- иқтисодиётга таъсир кўрсатиш қуроли сифатида ва унинг давлат ижтимоий сиёsatни амалга оширишдаги роли. Мамлакат иқтисодиётини молиявий соғломлаштиришда давлат кредитининг аҳамияти.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришининг интерфаол шакларидан: бинар-маъруза, провакацион-маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиши шакллари сифатида қуидагилардан фойдаланиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гурӯхли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

Модул юзасидан ўқув режада “Бюджет тақчиллиги уни молиялаштириш манбалари” ва “Ўзбекистонда давлат ички ва ташқи қарзларининг вужудга келиш омиллари, қоплаш манбалари ва уларни бошқариш Ўзбекистонда давлат ички ва ташқи қарзларининг вужудга келиш омиллари, қоплаш манбалари ва уларни бошқариш” мавзуларидан 4-соат кўчма машғулот режалаштирилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукукий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши қурашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги

ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

III. Махсус адабиётлар

35. Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др.; Цифровая экономика: 2019: краткий статистический сборник / Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с.

36. Атаниязов Ж., Алмарданов Э., Абдуллаев А. Управление государственным долгом. Учебное пособие. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-216 б.

37. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

38. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

39. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.

40. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

41. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiy», 2014. 60 б.

42. Malikov.T.S. Budjet soliq siyosati. O'quv qo'llanma. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-652 б.

43. Mamatov B., Xamdamov Sh., Tursunov J. Davlat maqsadli va buydjetdan tashqari jamgarmalar. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-348 б.

44. Malikov T., Olimjonov O. Moliya. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-969 б.

45. Жиянова Н. Управление государственными финансами. Учебник. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-446 с.

46. Sherbaev A., Kamolov O. Davlat qarzlarini boshqarish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-314 б.

47. Камолов О.С. “Давлат қарзларини бошқариш” Ўқув қўлланма / Тошкент Молия Институти. – Тошкент: “Ношир”, 2018. -312-б.
48. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
49. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf
50. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
51. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
52. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
53. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
54. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
55. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

IV. Интернет сайтлар

56. www.press-service.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти.
57. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали
58. www.lugat.uz, www.glossaiy.uz - Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme.
59. www.uz - Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги:
60. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
61. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
62. www.press-uz.info
63. www.ziyonet.uz
64. www.edu.uz
65. www.mf.uz
66. www.vestifinance.ru
67. www.imf.org
68. www.worldbank.org

II. “ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ” МОДУЛИНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Ушбу модул турли мулкчиликка асосланган ташкилотларнинг инновацион фаолиятини, уларнинг бозор шароитидаги ҳаракатини, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларини чукур ўрганишда асос бўлиб хизмат қиласди.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу педагогнинг маҳоратинигина эмас, балки тингловчининг истак-хоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир. Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миясидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талabalарга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қиласди, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қиласди. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қўйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маъruzалар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илфор педагогик технологиялардан ва мультимедиа кўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устиворлигини таъминлайди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда “Давлат қарзларини бошқариш” модулининг таълим технологияларини лойиҳалаштиришда қуйидаги асосий концептуал ёндашувларга эътибор бериш керак.

Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги. Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таълим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса Давлат таълим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда тингловчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унингнинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам англатади.

- **Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

- **Амалий ёндашув.** Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таълим жараёнини йўналтириш; тингловчилар фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўкув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шарт қилиб қўяди.

- **Диалогик ёндашув.** Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги ва тақдимот кучаяди.

- **Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида педагог ва тингловчининг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўзда тутади.

- **Муаммоли ёндашув.** Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намойиш қилиш асосида тингловчи билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш усулларидан биридир. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равища қўллаш таъминланади.

- **Ахборот беришнинг энг янги восита ва усулларидан фойдаланиш,** яъни ўкув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш.

Юқоридаги концептуал ёндашув ва “Давлат қарзларини бошқариш” модулининг таркиби, мазмуни, ўкув ахборот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг қуйидаги усул ва воситалари танлаб олинди.

- **Ўқитиш усуллари ва техникаси:** мулоқот, кейс стади, муаммоли усул, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий хужум”, инсерт, “Биргаликда ўрганамиз”,

пинборд, маъруза (кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли, шарҳловчи, якуний).

• **Ўқитишни ташкил қилиш шакллари:** фронтал, коллектив, гурӯхий, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.

• **Ўқитиш воситалари:** одатдаги ўқитиш воситалари (дарслик, маъруза матни, таянч конспекти, кодоскоп)дан ташқари график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

• **Ўзаро алоқа воситалари:** назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишнинг диагностикаси (ташхиси).

• **Бошқаришнинг усули ва воситалари.** Ўқув машғулотини технологик карта кўринишида режалаштириш ўқув машғулотининг босқичларини белгилаб, қўйилган мақсадга эришишда педагог ва тингловчининг ҳамкорликдаги фаолиятини аниқлаб беради.

1- маъруза машғулотида қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни -Давлат қарзларини бошқаришнинг назарий асослари. Тингловчиларнинг давлат қарзларини бошқаришнинг назарий асосларига оид қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Б /Б /Б” методидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни – Давлат қарзларини бошқариш бўйича билган маълумотларни биринчи устунга ёзиб чиқиш ва билишни истаётган маълумотларни иккинчи устунга ёзиб чиқиши.

Биламан	Билишни истайман	Билиб олдим

“Б /Б /Б”


2) Тингловчиларнинг давлат қарзларини бошқаришнинг назарий асосларига оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Тушунчалар таҳлили” методидан фойдаланилади.

“Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Қўшимча маълумот
Давлат қарзларини бошқариш тушунчаси		
Давлат ички қарзлар		
Давлат ташқи қарзлар		
Давлатнинг умумий қарзлари		
Давлат ташқи қарзларини бошқариш		
Давлат қарзларини бошқаришнинг муҳим масалалари		

3) Тингловчиларнинг инновацион лойиҳалар турига оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “*Венн диаграммаси*” методидан фойдаланилади.

Венн диаграммаси



2-маъруза машғулотида қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар түзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.


❖ Метод чегараланган вақт оралиғи ичидә аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўлларини излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.

❖ Ўқув машғулотидаги ақлий ҳужум учунмуаммони танлаш қўйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;
- кўп ҳар хил маънодаги ечим варианtlарига эга бўлиши керак.

Ўқитиши технологиясини ишлаб чиқишида ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси

ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – Interaktive-интерфаол **Noting** – белгилаш System - тизим for-учун **Effective** – самарали **Reading** – ўқиш and – ва **Thinking** – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими хисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

(✓) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;

(+) –мен учун янги ахборот;

(–) - меннинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд –(инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурухларда) муаммони ечиш вариантларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхшисини танлаш имконини беради;

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурухларда) тоифали шарҳ ўtkазиш имконини беради.

Пинборд техникасининг технологик чизмаси

КЕЙС-СТАДИ МЕТОДИ

КЕЙС – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи ўқитиш воситаси.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун услугий кўрсатмалар бўлиши керак.

Кейс-стади (ингл.case – тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш) – амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуудан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуидагиларга ундаиди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача микдордаги, катта)

2. Ўқув топширигини тақдим этиш усули:

- саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)

- топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

ЎҚУВ ЛОЙИХА МЕТОДИ

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичида (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим оловчи гурухли ёки якка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топширигини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;
- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

КЛАСТЕР (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли-барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Катта қоғоз варағи марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.
2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана-“йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизик билан “бош” сўзга боғланг.
3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзиб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ –муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

«Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:

- 1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.
- 2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг. Бу жараённи муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом эттиринг

«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

“Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

1. «Балиқ скелетини» чизинг:

Муаммо ости
муаммолар



«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантиқий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

«Қандай?» диаграммасини тузищдан аввал, сиз қуйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга ҳожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.
2. Кетма-кет равища «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

Маслаҳат ва тавсиялар:

Янги ғояларни график кўринишида қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дараҳт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

«НИЛУФАР ГУЛИ» ЧИЗМАСИ - муаммони ҳал этиш воситаси. Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш қўникмаларини шакллантиради.

«Нилуфар гули» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммони ҳал этиш воситаларини топиш учун:

1) Ўзида нилуфар гули қиёфасини мужассам этган схемани чизинг. Унинг асосини 9 та катта квадратлар ташкил этиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида тўққизта кичик квадратдан иборат;

	B	
D		
G		

	Z	
B	Z	C
D	A	F
G	H	Y


	C	
F		
Y		

2) асосий муаммони марказий квадратнинг марказига ёзинг. Уни ҳал этиш ғояларини марказий квадрат атрофида жойлашган қолган саккизта квадратларга ёзинг;

3) ҳар бир ушбу саккизта ғояни марказий квадрат атрофида жойлашган саккизта катта квадрат марказига ўтказинг, бошқача айтганда, нилуфар гулидан унинг гул баргига ўтказинг. Шундай қилиб, улар ҳар бири, ўз навбатида, яна бир муаммо сифатида қаралади.

1-амалий машғулотда қуйидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг инновацион бошқарувдада таваккал хавфи даражасини босқичма-босқич баҳолашга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “Қандай?” диаграммаси методидан фойдаланилади.



2) Тингловчиларнинг давлат қарзларини бошқаришга оид таянч маълумотларни аниқлаш мақсадида “**Тушунчалар таҳлили**” методидан фойдаланилди.

“Тушунчалар”- таҳлили

Тушунчалар	Сизнинг фикрингизча ушбу тушунча нимани англатади?	Қўшимча маълумот
<i>Янги билимларни вужудга келтиришини бошқариши</i>		
<i>Янги иқтисодий билимларни яратувчилар салоҳиятини бошқариши</i>		
<i>Янгиликларни киритишни ижтимоий ва психологик томонларини бошқариши</i>		
<i>Инновацияни бошқариши</i>		

2-амалий машғулотда қўйидаги интерфаол ўқитиши методларидан фойдаланилди:

Дарс шакли баҳс-мунозара ўтказилиб, ишнинг мақсади тингловчиларда Давлат қарзларини бошқаришнинг функциялари ва усуслари ҳақида тушунча

ҳосил қилиш, иқтисодиёт ва унинг шаклланиши ҳамда амал қилиши хусусиятларини муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Машғулотнинг мотивация босқичида: “Ақлий хужум”дан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни - Давлат қарзларини бошқаришнинг функциялари ва усуллари.

Давлат қарзларини бошқариш мақсадлари	Давлат қарзларини бошқаришни ташкил этиш	Мотивацияни бошқариш	Давлат қарзларини бошқаришнинг ўрни	Фаолият натижаларини аниqlаш

2) Тингловчиларнинг Давлат қарзларини бошқариш бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида таҳлил-мунозара усулидан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни – Ишлаб чиқаришнинг техник-ташиклий даражасини таҳлил қилиш.



Тингловчилар инновацион фаолиятни назорат қилиш қилиш усуллари тўғрисидаги ўз фикларини билдирадилар.

3-амалий машғулотда қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг давлат қарзларини бошқариш бўйича билим ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида масалалардан фойдаланилади.

Топшириқ мазмуни – масала ечиш.

Топшириқ мазмуни: Давлат қарзларини бошқариш стратегиясини танлаш ва асослаш.

“SWOT - таҳлил” жадвали

S (кучли томони)	W (кучсиз томони)
O (имкониятлар)	T (таҳдидлар)

4-амалий машғулотда қуидаги интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланилади:

1) Тингловчиларнинг Давлат қарзларини бошқаришда қалтислик таҳлилига оид қандай маълумотларни билишлари ва билишни истаётган маълумотларини аниқлаш мақсадида “Тоифалаш жадвали” методидан фойдаланилади.
Компьютер ва бошқа асбоб-ускуналар электр энергияси билан узлуксиз ва барқарор таъминлашни талаб қиласди. Фирма мутахассислари бундан 20 йил олдин электр узатиш ва кучланишдаги энг кичик тебранишларр ҳам компьютер ишига салбий таъсир этиши ва бунда узатиладиган ахборот бузиб кўрсатилиши, компьютер операциялари қийинлашишини аниқлаган эдилар. Фирма тасарруфида бўлган асбоб-ускуналар ўзгарувчан ток тебранишларидан ишончли ҳимояни тўлиқ таъминлай олади.

Фирманинг сотув ҳажми талаб етарли даражада юқори бўлганда тўхтовсиз ўсади, бироқ рақобат хавфи ҳам ортади. Фирманинг бошқарувчи директори маълумоти бўйича муҳандис-электрончи бўлиб, Маркетинг институти қошидаги кадрлар тайёрлаш марказида маҳсус курс ўтиб, фирма позициялари мустаҳкам эканлигига қарамай, унинг фаолиятини маркетинг концепциясига йўналтириш зарурлигини англаш етди. У маркетинг режалаштириш тизимини ривожлантириш вақти келди деб ҳисоблайди, бироқ маркетинг фаолияти борасида етарлича тажрибага эга

бўлмагани ҳолда аниқ нималар қилиш кераклигини билмайди. У компания фалсафасини қуидагича ифодалайди: «Товарнинг энг олий сифати плюс ажоийб инжиниринг ва техник экспертиза».

Саволлар:

1. Бошқарувчи директорга компаниянинг асосий маркетинг мақсадларини ифодалашга ёрдам беринг.
2. Компаниянинг асосий вазифаларини ажратиб кўрсатинг.
3. Сизнингча, бу вазифаларни бажариш учун маркетинг фаолиятининг қайси турлари зарур?
4. Компания фаолиятида маркетинг концепциясига ўтиш натижасида қандай фойда олиш мумкин?

Жавоблар вариантини график органайзерлар кўринишида тақдим этинг.

Тестлар

1. Давлат бюджети мамлакат молия тизимининг қайси бўғинига мансуб?

- A) *Давлат молияси;
- B) Мамлакатнининг кредит тизими;
- C)Хўжалик съектлари молияси;
- D) Молияив йвоситачи муассасалар молияси.

2.Ўтазиш вақтига қараб бюджет назорати қандай турларга ажратилади?

- A) Дастребки ва сўнгти назорат;
- B) Жорий ва режалаштирилган назорат;
- C) Жорий, режалаштирилган ва аудиторлик назорати;
- D) *Дастребки, жорий ва сўнгти назорат.

3. Бюджет назоратининг асосий усулларини тўлиқ ва тўғри кўрсатилганини аниқланг.

- A) Солик назорати, божхона назорати, молиявий назорат;
- B)*Хужжатли текшириш, камерал текшириш, кузатиш, иқтисодий таҳлил, тафтиш;
- C)Хужжатли текшириш, кузатиш, камерал текшириш, аудиторлик назорати;
- D) кузатиш, иқтисодий таҳлил ва молиявий таҳлил.

4. Харажатлар секвестри нима?

- A) Химояланган харажатларни қисқартириш билан боғлиқ жараён;
- B)*Химояланмаган харажатларни бюджет ижросининг кейинги чоракларида кетма-кет қисқартириш жараёни;
- C)Бюджет даромадларини реструктуризация қилиш;
- D) Бюджетнинг эгри солиқларни бюджет даромадларини уртасида узаро таксимланишини бўйича урнатиладиган меёрларни нисбатларини ўзгартириш.

5. Давлат кредити муносабатларини ташкил қилишнинг манбалари нуткаи назаридан қандай турларга таснифланади?

- A) *Ички ва ташки давлат кредитлари;
- B)Банк кредити, тижорат кредити ва давлат кредити;
- C)Бюджетлараро кредит муносабатлари, маҳаллий кредит муносабатлари;
- D) Марказий банк кредити, тижорат банклари кредит муносабатлари.

6. Ер солиги бюджет тизимининг қайси бўғин бюджетлари даромад манбаи хисобланади?

- A) Республика бюджети даромади;

- В)*Маҳаллий бюджетлар даромади;
- С)Республика ва маҳаллий бюджетлар даромадлари;
- Д) Мақсадли жамғармалар даромад манбаи;

7.Давлат бюджети кассали ижросини амалга оширувчи ваколатли органнинг қайси бири тўғри?

- А) Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси;
- Б)Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
- С)*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Божхона Кумитаси;
- Е)Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси.

8. Харажатлар сметаси нима?

- А) *Нотижорат асосида фаолият юритувчи бюджет муассасаларнинг молиявий режаси;
- В)Тижорат асосида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларнинг йигма молиявий режаси;
- С)Саноат корхоналари молиявий режаси;
- Д) Молиявий институтлар молиявий режаси.

9. Сметали молиялаштириш нима?

- А) *Тасдиқланган сметага мувофиқ муассаса ва ташкилотлар харажатларини молиявий таъминлаш усули;
- В)Тижорат корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларини молиялаштириш усули;
- С)Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар айланма ишлаб чиқариш фондларини молиялаштириш усули;
- Д) Иновацион фаолиятни молиялаштириш усули.

10. Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнингқайси муддатидан кечиктирилмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади?

- A) *ўн бешинчи октябридан;
- B)ўн бешинчи декабридан;
- C)ўн олтинчи ноябридан;
- D) ўн олтинчи октябридан.

5-МАВЗУ. ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ КРЕДИТИ ВА ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ

Топшириқлар

1-масала. Қуйидаги йўлларнинг қайси биридан бозорни ўрганишда фойдаланган бўлардингиз?

- a)харидорларнинг сизнинг товарларингиз ҳақидаги фикрини билиш
- b)сизнинг хотинингиз ёки эрингизни фикрини билиш
- c)бизнес-каталогларни кўздан кечириш
- d)сизнинг шахсий буюртма дафтарчангизга ишониб
- e)сизнинг вакилингизни фикрини билиш

2-масала. Товарларингизни реклама қилиш ва сотишда сиз эътиборни қозонишингиз учун керак бўлган 10 та омилларни келтиринг.

3-масала. Қуйидаги омиллардан қайси бири товарнинг мувофақиятга эришиши учун каттароқ рол ўйнайди, нима сабабдан ва асослаб беринг.

- a)сотувчининг эпчиллиги
- b)маркетингнинг ташаббускорлиги
- c)актив ва таъсирли реклама
- d)тўғри сегментланганлик

е) келтирилгандардан ҳаммаси түгри

f) бирортаси ҳам түгри эмас

4-масала. Қандай чекловчи омиллар қуидаги товарларга бўлган талабни қисқартиради?

a) сигареталар

b) буғдой уни

c) минерал сув

d) кансилярия товалари

e) уяли телефон аппаратлари

6-масала. А марканинг эгаллаган ўрни 30 % ва эксклюзивлик даражаси 60 % ни ташкил этади. Бу марка харидорларининг талаби ўртacha товар миқдорига тенг бўлса, А марка билан рақобатдош товарларнинг харидорлари талабини аниқланг.

Агар эксклюзивлик даражаси 50% дан паст бўлса бозордаги ўрни қандай бўлади.

Махсулот нархи 1-чоракда 2000 сўм, 2-чорак 2500 сўм, 3-чорак 2700 сўм, 4-чорак 3400 сўм бўлса, бир йил мобайнида сотилган товар миқдорини аниқланг.

6-масала. Агар экспертлар товарларга бўлган талабни ўсишига ишончи комил бўлиб, унинг структураси ўзгармай қолса, ухолда қайси ҳолатни танлаш керак? Нима учун?

Агар таваккалчилик бўлса (экспертлар кўпинча 1-ҳолат - 40%; 2-ҳолат-35%, 3-ҳолат -25% ларни ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблашади) бу ҳолда қайси стратегияни оптимал дед ҳисоблаш мумкин? Айтайлик товарларнинг солиш ҳажми яхши натижа бермасин. Сиз қайси стратегияни таклиф қилган бўлардингиз?

Кейс стади

Вазиятли топшириқ - 1

Сотув тизимини ташкил қилиш

Арzon оёқ кийими ишлаб чиқарувчи америка компанияси Ҳиндистон бозорига чиқиш имкониятини аниқлаш ҳақида қарор қабул қилди. Кабинет тадқиқотлари натижаларига кўра аниқландик, Ҳиндистонда оёқи кийими чакана савдоси асосан мустақил савдогарлар қўлида бўлиб, шаҳарларда чакана савдонинг 60% ва қишлоқ жойларда – 90%га яқини уларнинг қўлида экан. Шаҳарлар оёқ кийими савдосининг 40%га яқини турли компанияларнинг магазинлари орқали амалга оширилади. Қишлоқ жойларда сотув ҳажми аҳолининг камбағаллиги сабабли сезиларли даражада паст. Ҳиндистон оёқ кийимлари бозорида рақобат асосан миллий фирмалар ўртасида кузатилади, бунда улар юқори сифатли оёқ кийимини фақат шаҳар минтақаларига етказиб беради. Хорижий фирмаларнинг ушбу бозордаги роли унчалик сезиларли эмас, сифат бўйича америка компаниясининг оёқ кийимлари бу ердаги кўпчилик фирмалар маҳсулотидан анча юқори туради.

Транспорт воситасида ташиш имкониятларини ўрганар экан, маркетинг хизмати шундай хулосага келдики, ҳаво транспорти орқали юқ ташиш самолетни ижарага олиш қиммат эканлиги туфайли оёқ кийими нархининг қимматлашиб кетишига олиб келди, шу сабабдан маҳсулотни денгиз орқали — Нью-Йорқдан Бомбейгача олиб келиш мақсадга мувофиқ. Ҳинд улгуржи воситачилари айланма капитали чекланганлиги сабабли маҳсулот улгуржи савдогарнинг омборига етиб келмасидан туриб товарни транспорт воситасида ташиш учун тўловни амалга ошириш ва товар инвентаризациясини ўтказишга тўғри келади. Бомбей улгуржи савдогарларининг сотув тармоғи Ҳиндистон бозорининг катта қисмини камраб олади. Сотув бошқа улгуржи савдогарларга ҳам, Ҳиндистоннинг 15 та йирик шаҳридаги чакана савдогарларга ҳам амалга оширилади.

Шаҳар миңтақасидаги оддий магазин катта қизиқиши үйғотадиган жой саналади, чунки қўпчилик харидорларда улар яшайдиган жойдан узоқда жойлашган бошқа магазинларга бориш имконияти йўқ.

Магазинларда ўзига-ўзи хизмат кўсатиш камдан-кам қўлланади. Кичик магазинларда одатда битта хизматчи харидорни қутиб туради, бошқаси счет ёзиб беради, учинчи хизматчи эса товарни ўраб беради. Бунда учинчи хизматчи доим ҳам бўлавермайди.

Ҳиндистонга экспорт қилиш учун лицензия олгач, компания Бомбейлик улгуржи савдогарлардан бири билан музокара олиб борди. Бироқ якуний қарор қабул қилишга қадар компания президенти компания учун муҳим бўлиб чиқиши мумкин бўлган сотув билан боғлиқ барча мунозарали масалаларни батафсил ўрганиб чиқиши зарур деб ҳисоблайди.

Саволлар:

- а) Компания мутахассислари қайси сотув каналларини танлаган ва бу танлов қанчалик тўғри бўлган?
- б) Компаниянинг бомбейлик улгуржи савдогарлар билан ташкил қилиш мумкин бўлган ишбилармонлик муносабатларини баҳолашда сотув тармоғининг қайси тавсифларидан фойдаланиш лозим?
- в) Сотув каналларини бошқаришда қайси масалалар энг мураккаб бўлиши ва уларни қандай бошқариш мумкин?

Тестлар

1. Давлат мақсадли жамғармалари-

- А) Давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

- В)*Давлат бюджети таркибida жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;
- С)Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;
- Д) Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

2. Ўзбекистон Республикасида Пенсия жамғармаси даромадини шакллантиришда қайси даромад манбаи асосий салмоқقا эга?

- А) *Ягона ижтимоий тўловдан ажратмалар
- Б)Фуқароларнинг мажбурий суғурта ажратмалари
- С)Товарлар реализацияси хажмидан ажратмалар
- Д) Бошқа даромадлар

3. Ўзбекистон Республикасида Пенсия жамғармаси харажатларида қайси туркум харажатлар асосий салмоқни ташкил этади?

- А) *Ишламайдиган пенсионерларга пенсиялар
- Б)Ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар
- С)Дафн маъросимлари учун нафақалар ва бошқа тўловлар
- Д) Бошқа харажатлар

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасининг даромадларида қайси даромад манбалари асосий салмоқа эга?

- A) *Товарлар реализациясидан мажбурий ажратмалар
- В) Авторанспорт воситаларини сотиб олиш, вақтинчалик олиб кириш бўйича йигим(ИИВ органларида регистрация жараёнида)
- С) Автомобил воситаларини ЎзР ҳудуд орқали олиб ўтиш ва транзит учун йигим
- D) Ҳалқаро молиявий институтлар заёмлари

5. Республика бюджети-

- Е) Давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;
- F) Давлат бюджети таркибида жамлантирилайдиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади;
- G) *Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;
- H) Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар

манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

6. Махаллий бюджет-

E)*Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

F) Давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади;

G) Давлат бюджети таркибида жамлантирилайдиган жамғармалар бўлиб, уларнинг хар бири учун маблағлар манбалари, хар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун хужжатлари билан белгиланади;

H) Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

7. Давлат бюджети харажатлари тарқибида қайси аражатлар асосий салмоққа эга?

E)*Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари

- F) Иқтисодиётга харажатлар
- G) Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш
- H) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари

8. Давлат ташқи қарзи-

- E)*Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;
- F) Активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши;
- G) Активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;
- H) Давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси.

9. Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш-

- E)Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси;
- F)*Активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи

резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши;

G) Активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;

H) Давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йифиндиси.

9. Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш-

E) Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йифиндиси;

F) Активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши;

G) *Активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;

H) Давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йифиндиси.

10. Давлат қарзи-

- Е) Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йифиндиси;
- F) Активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши;
- G) Активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;
- H) *Давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йифиндиси.

V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

1. 2020-2021 йилларга белгиланган устувор вазифаларни бажариш билан боғлиқ ислоҳотлар шароитида давлат молиясининг аҳамияти ва зарурлиги.(молиявий сиёсат, бюджет-солиқ сиёсати, пул-кредит сиёсати).
2. Давлат ички қарзларининг моҳияти, таркиби ва омиллари. (бюджетни режалаштириш, бюджет назорати).
3. Давлат бюджетининг моҳияти ва аҳамияти (марказлаштирилган пул фондлари, бюджет муносабатлари, бюджет харажатлари).
4. Давлат бюджетининг харажатлари ва унинг асосий йўналишлари (ижтимоий маданий тадбир харажатлари, бошқарув харажатлари)
5. Бюджет тақчиллиги ва уни молиялаштириш (тақчиллик, профицит, облигацион заёмлар).
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иктисодий масалалар. (молиявий сиёсат, бюджет-солиқ сиёсати, пул-кредит сиёсати).
7. Давлат бюджети учун қандай характерли хусусиятлар хос (марказлаштирилган пул фонди, императив пул муносабатлари).
8. Давлатнинг молия тизими ва унинг бўғинлари (давлат молияси, молиявий воситачи муассасалар, молия бозори).
9. Давлат қарзлари ва уни бошқариш (давлат қарзлари, пролонгация, заемлар конверсияси).
10. Иқтисодий мазмунига кўра давлат бюджетининг харажатларининг туркумланиши (капитал харажатлари, жорий харажатлар).
11. Давлат ички қарзларини бошқариш юзасидан фаолиятнинг асосий йўналишлари. (молиявий режалаштириш, давлат молиявий назорати, бюджет ижроси).
12. Бюджет тақчиллиги ва уни бошқариш (молиялаштириш манбалари, операцион тақчиллик, автоматик стабилизаторлар).

13. Давлат бюджетининг иқтисодиётни қўллаб-куввалаш харажатлари (иқтисодиёт харажатлари, ободонлаштириш харажатлари, қишлоқ хўжалиги)

14. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими (бюджет, Республика бюджети, маҳаллий бюджетлар).

15. Давлат ички қарзларини бошқариш юзасидан фаолиятнинг асосий йўналишлари. (молиявий режалаштириш, давлат молиявий назорати, бюджет ижроси).

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс.

ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида Давлат қарзларини бошқариш фаолият юритишларини маблағ билан таъминлаш иқтисодий муаммолардан бири бўлиб, катта таваккалчиликни талаб этади. Олинган маблағларни кайтариш, қоплаш муддати канчалик узоқ бўлса, бу хавф даражаси ҳам шунчалик ошиб боради. Чунки, бу муддат ичида бозор конъюнктураси ҳам, нарх-наволар ҳам, иш ҳаки тўловлари зимдан ошиб боради. Шунинг учун, иқтисодиёт баркарор бўлмаган шароитларда (айникса бу холат нафакат айрим товар бозори, балки бутун мамлакат учун хос бўлса) ҳаражатлар тезрок копланадиган самарали лойиҳаларга маблағ сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндошиш илмий-техника тараққиётининг суръати энг юқори бўлган ва янги технология ёки маҳсулотларнинг кириб келиши олдинги инвестицияларни тезда кадрсизлантириб юбориши мумкин бўлган тармоқлар учун жуда муҳимдир. Бундан ташқари, пулни олувчи унчалик обруга эга бўлмаса ва маблағ эгаси узоқ муддатга унга пулни ишонишни хохламаса ҳам маблағнинг ўзини қоплаш муддатига қараб иш курилади. Шу сабабли, таклиф этилаётган кейс долзарб деб ҳисобланади.

Кейснинг мақсади - Давлат қарзларини бошқариш самарадорлигини таҳлил этиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш, асосланган қарорни қабул қилишга ўргатиш.

Таклиф этилган кейс қуйидаги натижаларга эга бўлишга имконият беради:

- Ташкилот фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлади;
- Таҳлил натижаларни умумлаштириш қобилиятига эга бўлади;

- Давлат қарзларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўникмасини ривожлантиради;
- Мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллайди.

Маркетинг вазияти

Давлатнинг ихтиёрида ўзлаштириш учун 120 млн доллар ресурслари ва тайёр маҳсулотлар мавжуд. Мазкур ресурслардан фойдаланиш натижасида давлат 140 млн доллар қарз олишни кўзда тутмоқда. Шу аснода олинган кредитларни 4 йилдан кечиктирмасдан қайтариш режалаштирилган. Лойиха бўйича ҳаражатлар ҳажми қанча долларни ташкил этади. Хўш, ушбу лойиха талабни қондира оладими ва самаралими?

Топшириқ:

Давлат қарзларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш зарур.

II. ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Муаммо

Давлат қарзларини бошқариш самарадорлигини баҳолаш.

Вазифалар:

1. Давлат қарзларини аниқланг.
1. Қарзларни қоплаш муддатини ва ушбу муддат давомида пул қийматини ўзгаришини аниқланг.
3. Давлат қарзларининг фойдалилик коэффициентини аниқланг ва олинган натижа бўйича хулоса қилинг.

Назорат саволлари:

1. Давлат ташки қарзларининг моҳияти, омиллари ва шакллари.
2. Давлат ташки қарзларини молиялаштириш манбалари ва уларни мукаммалаштириш.
3. Давлат ташки қарзларини самарали бошқариш.
4. Давлат ташки қарзларини қоплаш манбаларига умумий тавсиф.

5. Давлат бюджети тақчилигини қоплашнинг инфляцион ва ноинфляцион манбаларининг таркиби.
6. Давлат бюджети даромадларини прогноз қилишнинг хусусиятлари.
7. Давлат ички қарзларининг моҳияти, таркиби ва омиллари.
8. Давлат ички қарзларини бошқариш юзасидан фаолиятнинг асосий йўналишлари.
9. Давлатнинг молия сиёсатида ички қарзларни бошқариш тадбирларининг аҳамияти ва вазифалари.
10. Давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадлари.
11. Давлат бюджети даромадларини прогноз қилишнинг хусусиятлари ва унинг макроиктисодий ҳолатни барқарорлаштиришдаги аҳамияти.
12. Давлат қарзларини камайтириш муаммолари ва ечимлари.

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Давлат қарзи	давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси..
Давлат ички қарзлари	давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси
Давлат ташқи қарзи	давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси
Давлат бюджети	давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.
Дивиденд	акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соғ фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда молмulkни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушкини (пайини, ҳиссасини) олгандаги

	даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган молмулкнинг қиймати чегирилади.
Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш	активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.
Молия йили	биринчи январдан ўттиз биринчи декабр куни охиригача бўлган вақтни ўз ичига оловчи давр;
Республика бюджети	Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади
Солик қарзи	солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан ушбу Кодексда белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар
Соф фойда	солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда
Бозорнинг мақсадли сегментларини танлаш	o’z tovarlarini olib chiqish uchun bir yoki bir necha bozor segmentlarini baholash va tanlash.

Бозорнинг муҳофазаси	milliy bozorning yoki ayrim tovarlar bozorining, davlatning eksport-importni tartibga soluvchi tadbirlari vositasida himoya qilinishi.
Вазиятли таҳлил	muvoffaqiyatlar va muvaffaqiyatsizliklarni hisobga olgan holdagi oldingi faoliyatini o'rganish; ishlab chiqarish va bozordagi vaziyat o'zgarish sabablarini aniqlash; xodimlar ishi samaradorligini baholash, ish ko'rsatkichlariga tashqi muhit ta'sirini hisobga olish; xozirgi kundagi vaziyat ta'sirini aniqlash va kelajak prognozi (bashorati).
Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш	активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши.
Бюджетдан маблағ олувчилар	Давлат бюджетидан маблағ ажратилиши назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек капитал таъмирлаш буюртмачилари.
Ишлаб чиқаришни такомиллашти- риш концепсияси	iste'molchilar keng tarqalgan va narxi qulay tovarlarga yaxshi munosabatda bo'lishini, shuning uchun rahbariyat o'z xarakatlarini ishlab chiqarishni takomillashtirishga va taqsimot tizimi samaradorligini ko'tarishga yo'naltirilishi kerakligi haqida tasdiq.
Бюджетдан маблағ ажратиш	қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ҳамда бошқа бюджет маблағлари олувчиларга ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджетдан ажратиладиган субсидия	давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет хисобидан бериладиган пул маблағлари.
Истеъмолчилар маълумотлар базаси	individual iste'molchilar xaridlari, ularning talablari, demografik ma'lumotlar va ta'minlanadigan foyda to'g'risida kengaytirilgan ma'lumotlar bazasini yaratish. Tegishli ma'lumotlar bazalari asosida, kompaniyalar mijozlar ehtiyojlarining turli hududlarini aniqlaydilar va ularning har biri uchun savdo takliflarini tayyorlaydilar.
Бюджет трансферти	бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари.
Бюджет ташкилоти	зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи хисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти.
Бюджет тақчиллиги	муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси
Бюджет сўрови	бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров
Бюджет субвенцияси	конун хужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан куйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет ссудаси	юқори бюджетдан қуий бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки хорижий давлатга қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.
Бюджет профицити	муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.
Бюджет жараёни	давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси хақидаги ҳисботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун хужжатлари билан тартибга солинган жараёни.
Бюджет дотацияси	- ўз даромадлари ва бюджетни тартибга соловчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуий бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуий бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.
Грант	давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига беғараз асосда бериладиган мол-мулк.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”, 2018. б 15.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 23.09.2020. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги (2019 йил 25 декабрь, 598-сонли) Қонун
4. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни. Рўйхатга олинган сана: 06.01.2012 й. Рақами: ЎРҚ-319. <https://lex.uz/docs/1931443>
5. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни. Рўйхатга олинган сана: 25.12.1998 й. Рақами: 723-I. <https://lex.uz/docs/25458>

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ‘Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили’да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5953 сон Фармони. Тошкент шаҳри, 2020 йил 2 март. www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони.www.lex.uz.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4160392>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 30 апрелдаги «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатларини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ 609-1 сон Фармони. <https://lex.uz/>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4126-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4178984>.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. www.uza.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. www.uza.uz

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: –Ўзбекистон, 2017. – 48 б

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: —Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.

IV. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар

1. A.Shernaev, O.Kamolov. Davlat qarzlarini boshqarish. Darslik. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-314 b.
2. Ж.Атаниязов, Э.Алмарданов, А.Абдуллаев. Управление государственным долгом. Учебное пособие. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-216 b.
3. B.Mamatov, Sh.Xamdamov, J.Tursunov. Davlat maqsadli va buydjetdan tashqari jamgarmalar. Darslik. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-348 b.
4. Н.Жиянова. Управление государственными финансами. Учебник. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-446 с.
5. T.Malikov, O.Olimjonov. Moliya. Darslik. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-969 b.

V. Интернет сайtlари

1. www.ziyonet.uz
2. www.lex.uz
3. www.bilimdon.uz
4. www.newhorizons.org
5. www.ziyonet.uz
6. www.biim.uz
7. www.press-servis.uz
8. www.gov.uz
9. www.google.co.uz
10. www.tfi.uz

